

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Булокбоши туман тиббиёт бирлашмаси  
бошлиги \_\_\_\_\_ Т. Давронов



**Барча корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!**

**Булокбоши туман тиббиёт бирлашмасида беморларни овқат билан таъминлаш хизматини аутсорсинг усулида ташкил этиш хизматини харид қилиш учун энг яхши таклифларни танлаш ўтказилмоқда.**

Мулкчилик шаклидан қатъий назар, умумий овқатланиш соҳасида фаолият юритувчи, танлаш ҳужжатида белгиланган миқдорларда хизмат кўрсатиш имконияти ва тажрибасига эга юридик шахс бўлган барча маҳаллий корхона ва ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

1. Давлат буюртмачиси номи: Булокбоши туман тиббиёт бирлашмаси

2. Танлаш предмети: беморларни овқат билан таъминлаш хизматини аутсорсинг усулида ташкил этиш юзасидан аутсорсинг хизмати

Танлаш иштирокчилари битта лот бўйича танлашда иштирок этиши, Буюрмачи эса энг яхши танлаш таклифларини тақдим этган бир иштрокчи билан шартнома имзолаши мумкин.

3. Молиялаштириш манбаи: бюджет маблағлари ҳисобидан.

4. Танлашда иштрок этишни истаган номзодлар:

махсус ахборот порталига ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) жойлаштирилган электрон танлаш ҳужжатларини юклаб олишлари ва унда кўрсатилган талаблар билан танишиб чиқишлари;

танлаш таклифларини белгиланган муддатларда танлаш ҳужжатларига мувофиқ ҳолда тақдим этишлари лозим.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг меъёр талаблари асосида №1 дан №15 гача бўлган пархез столлари бўйича овқатларини тайёрлаш

6. Бир кунлик иссиқ овқат тайёрлаш учун бир беморга нонушта, тушлик ва кечки овқат тайёрлаб берилади.